



2020 у « 30 » сентябрь

№ Қ-506

« ___ » _____ 20__ г

**Бандихон тумани “Сайроб” массивидан
“ВЕКТЕРА IDEAL” МЧЖга “Тош-шағал ишлаб чиқариш заводи” қуриш
учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 03-02/651-сон йиғилиш баёни, Бандихон тумани ҳокимининг 2020 йил 29 июлдаги 01-05/1158-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 03-02/651-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бандихон тумани “Сайроб” массивидан “ВЕКТЕРА IDEAL” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1555к-дала контуридаги 1,0 гектар яйлов ер майдони “Тош-шағал ишлаб чиқариш заводи” қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “ВЕКТЕРА IDEAL” МЧЖ “Тош-шағал ишлаб чиқариш заводи” қуриш мақсадида 1,0 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 16 645 020 (ўн олти миллион олти юз қирқ беш минг йигирма) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўз вазирлиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бандихон тумани ҳокимлиги (Ў.Чориев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Сувонкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов